



МУҲАММАДЖОН ҲАКИМОВНИНГ МАНБАШУНОСЛИККА ДОИР НОЁБ ТАДҚИҚИ

Муаллиф: Отабек Жўрабоев¹

Аффилиация: филология фанлари номзоди, доцент, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими¹

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.20195244>

Луғат – муҳим тадқиқот ҳисобланади. Инчунин, у маълум соҳага оид бўлса жуда ҳам мураккаб ва диққатли бўлишни талаб қилади. Луғат тузиш эса энг машаққатли ва оғир ижод ва меҳнат маҳсулидир. У узоқ йиллар давомида материал йиғиш, таснифлаш, тайёрлаш ва таҳрирлашни бошдан кечириши маълум. Нафақат катта қомусий ёки изоҳли луғатлар, ҳатто турли соҳалар бўйича тайёрланувчи махсус луғатлар ҳам бу жараёндан мустасно эмас.

2013 йилда чоп этилган “Шарқ манбашунослиги луғати” ана шундай машаққатли меҳнат самарасидир. Уни кўп йиллар давомида ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи ва (собик) Қўлёзмалар институтида ҳалол меҳнат қилган заҳматкаш манбашунос ва зукко навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Ҳакимов (1936-2002) тайёрлаган.

Ўз вақтида бу луғат ҳақида илмий ахборот ҳам берган эдим (“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2014 йил, 5-сон. 111-112-бетлар). Лекин бу ўринда, ушбу луғатнинг моҳияти ва аҳамияти борасида тафсилоти билан баён қилишга жазм қилдим.

Айтиш зарурки, марҳум Муҳаммаджон домла ушбу тадқиқ-луғатини кўп йил тайёргарлик кўриб тутзган. Аввалроқ, луғатнинг асосий қисмидан бир неча мақолалар олим тарафидан 1980 йилларда “Адабий мерос” тўпламининг баъзи сонларида нашр ҳам бўлган эди. Аммо домланинг узоқ йиллар давомида олиб борган изланишларининг баракали самараси бўлмиш бу асар, муаллиф вафотидан сўнг, қўлёзма ҳолида қолиб кетганди. Умрининг охириги йилларида олимнинг касалланиб қолиши туфайли луғат-китобнинг фақат айрим жойларигина битмай, таҳрирталаб ҳолда эди. Ниҳоят, устоз олим билан узоқ йил бирга ишлаган шогирди, филология фанлари номзоди Юсуф Турсунов уни итмомига етказган.

Шуни алоҳида ҳам таъкидлаш лозимки, бу тур луғат Ўзбекистонда илк бор чоп этилди. Тўғри, “Тарихий атамалар луғати”, “Адабиётшунослик терминлари изоҳли луғати” каби луғатлар бир неча бор чиққан. Лекин, айнан матншунослик ва манбашуносликка оид кенг ареалдаги илмий-изоҳли қомусий асарга эҳтиёж кўпдан бери бор эди. Марҳум олимнинг сўнгги хайрли ва салмоқли иши ана шу кемтикликни тўлдиришга муносиб ҳисса қўша оладиган асарлардан бири бўлди, десак муболаға эмас.

Луғатда 2.135 та катта-кичик мақола жамланган (21,7 босмат табоқ). Улар Шарқ мумтоз адабиёти, матншунослик, манбашунослик, ёзув тарихи, хат турлари ва тарқалиши, турли даврлардаги йил ҳисоблари (тақвимлар), исломий

адабиёт манбалари, иншо ва ҳужжатлар, баъзи мансаб ва унвонларга оид тарихий истилоҳларнинг илмий изоҳларидан иборатдир.

Бир қараганда, М.Ҳакимов домла жуда катта ва кенг миқёсдаги тадқиқотни амалга оширган. Ҳа-ҳа, айнан тадқиқот иши. Негаки, у фақатгина луғат тузувчи ёки тайёрловчи сифатида мавзуга доир мақола ва мақолачаларни жамлаб қўя қолмаган. Уларнинг аксар қисми, хусусан, қўлёзма меросни йиғиш, тавсифлаш, илмий апробацияга киритиш, матний жиҳатларни аниқлашга доир кузатувлар, қўлёзманинг асосий белгилари (қоғоз, сиёҳи, хат тури ва услуби, безаклари) каби масалалар устида олим узоқ йиллар давомида изланишлар олиб борган. Ўтган асрнинг 90-йилларида домла ана шундай тадқиқотлар устида изчил ишлаётганига ўзимиз ҳам бир неча бор гувоҳ бўлганмиз.

М.Ҳакимовнинг бу каби сермахсул ва заҳматли меҳнатига унинг архив каталоги ҳам гувоҳ бўла олади (Манбашунос Муҳаммаджон Ҳакимов архивининг каталоги. Тузувчи: Г.Абдуллаева. Тошкент: Bilim va intellektual salohiyat, 2013). Архив ҳужжатларини ичида ўндан ортиқ луғат бандларига тегишли мақолар ва матераиллар жамланган, олимнинг таҳриридан чиққан.

Луғатдаги бир қанча сўз-истилоҳларга мақола тарзида батафсил мақолалар бағишланган. Масалан, *туркий қўлёзмалар* ҳақидаги мақола обзор шаклида, бироқ энг муҳим ва асос жиҳатларни қамраб олган яхлит тадқиқот кўринишидадир (345-358 бетлар). Ёки, *араб изофасига* доир энг керакли эслатмаларни қамраб олган мақола (32-33 бетлар) бўлгани ҳолда, яна луғат давомида араб алифбосидаги ҳар бир ҳарф ва унинг хусусиятига алоҳида-алоҳида мақолалар ҳам ажратилган. Шунингдек, *манбашунослик* (158-161 бетлар) ва *матншунослик* (171-176 бетлар) масаласига оид мақолалар эса фактларга бойлиги ва мазмундорлиги билан ажралиб, фаннинг бу соҳаси Ўзбекистонда қай ҳолда ривож топгани ҳақида яхлит фикр бера олган. Милодий (183-188 бетлар) ва салавийлар (260-261 бетлар) йил ҳисобига доир мақолалари ҳам фактлар аниқлиги билан ажралиб туради.

Асардаги асос урғу берилган жиҳат қўлёзмалар билан боғлиқ мақолалар эса мутахассис ва тадқиқотчилар учун энг керакли ва асос маълумотларни акс эттирган. Уларга мисол қилиб, *қўлёзма*, *қўлёзма манбалар*, *қўлёзма мерос*, *қўлёзма ўлчами*, *қўлёзмалар тўплами*, *қўлёзмалар феҳрасти*, *қўлёзмалар хазинаси*, *қўлёзмалар шажараси*; *хаттот*, *хаттотлик*, *хаттотлик мактаблари*, *хаттотлик рисолалари*, *хаттотлик қуроллари* каби мақолаларни келтириш мумкин.

Қўлёзма матн билан боғлиқ жиҳатларда домла асосан Алишер Навоий асарларига мурожаат қилган, мисолларни ҳам кўпроқ ундан олган. Бу жиҳат ўзбек матншунослиги асосан Навоий асарлари тадқиқи билан ривож топганлигини яна бир карра тасдиқ этади. Албатта, М.Ҳакимовнинг Навоий асарларининг қўлёзма манбалари устида олиб борган аввалги изчил тадқиқотлари (Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. Тошкент, 1983; Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Тошкент, 1991) давомида орттирган ажойиб ва бой тажрибаси унинг бу каби кенг миқёсли ва мазмундор луғат тузишига муҳим омил бўлган.

Луғатнинг юқорида таъкидланганидай кўплаб яхши ва фойдали жиҳатлари билан бирга айрим мулоҳазаталаб ўринлари ҳам кўзга ташланади. Мисол учун, луғат сўзлигига киритилган, лекин мақола қилинмай ишора этилганича қолиб кетган бир неча истилоҳлар мавжуд (*арбаийн ҳадис*, *арза-*

ариза, арзнома, хатти ироқий, хатти луълуий, хатти мавсумий, хатти нохуний, хатти сатранжий, хатти сиғноқий каби). Ёки, ноаниқ фактлар ҳам учрайди. Масалан, “асар” номли мақолачада “Алишер Навоий яратган 30 асарнинг жаҳон хазиналари бўйича ҳозиргача 1000 дан зиёд қўлёзма нусхалари мавжудлиги маълум” дейилади (40-бет). Ваҳоланки, Навоий қаламига мансуб асарлар ўттиздан ортиқлиги ҳозирда сир эмас. Яна, проф. Ҳамид Сулаймоннинг 1973 йилда берган маълумотига кўра “Навоий қўлёзмалари жаҳоннинг юздан ортиқ йирик кутубхоналарида сақланиб, уларнинг маълум бўлган сони уч ярим мингдан ортиқдир” (Адабий мерос-3, 83-бет) дея хабар берган эди. Албатта, бу ҳисобга шахсий кутубхоналар ва кейинги 40 йил давомида аниқланган нусхалар кирмайди. Демакки, шоир асарларининг қўлёзмалари янада салмоқли миқдорни ташкил этиши шубҳасиздир.

Бироқ, атоқли манбашунос Муҳаммаджон Ҳакимов домланинг ушбу “Шарқ манбашунослиги луғати” кўрсатилган каби баъзи камчиликларига қарамай илмий кўлами ва аҳамияти билан ўзбек фанига хусусан шарқшунослик, адабиётшунослик, манбашунослик ва матншунослик илмларига қўшилган муносиб ҳиссадир. У мазкур соҳаларда яратилажак кўплаб тадқиқотлар, қомус ва луғатлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.